

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖАЛИЛОВА СОЖИДА ХАМРАЕВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ТИББИЙ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ,
ПСИХОТЕРАПЕВТИК ВА ФАРМАКОТЕРАПЕВТИК КОРРЕКЦИЯНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 – Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джалилова Сожида Хамраевна

Миокард инфарктини тиббий психологик аспектлари, психотерапевтик ва фармакотерапевтик коррекцияни оптималлаштириш..... 3

Джалилова Сожида Хамраевна

Медико-психологические аспекты инфаркта миокарда оптимизация психотерапевтической и фармакотерапевтической коррекции..... 23

Djalilova Sojida Khamrayevna

Medical and psychological aspects of myocardial infarction optimization of psychotherapeutic and pharmacotherapeutic correction..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДЖАЛИЛОВА СОЖИДА ХАМРАЕВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ТИББИЙ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ,
ПСИХОТЕРАПЕВТИК ВА ФАРМАКОТЕРАПЕВТИК КОРРЕКЦИЯНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 – Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib1032 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.medsport.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибодуллаев Зарифбой Ражабович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» апрель соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел./факс: (71) 241-52-45. e-mail.: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail.: tta2005@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил « _____ » _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Садиков

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари доктори

А.А. Хаджиметов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда юрак қон томир касалликларида психоэмоционал бузилишларни эрта аниқлашга қаратилган бир қатор текширувлар олиб борилган, ЖССТ ҳисоботида кўра, "... 2016 йилда 17,9 миллион киши юрак-қон томир касалликларидан вафот этиб, бу дунё бўйича барча ўлимларнинг 31 фоизини ташкил этган. Бу ўлимларнинг 85 фоизи инфаркт миокарди оқибатида юз берган..."¹. Юрак-қон томир касалликлари профилактикаси ва реабилитацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар миокард инфаркти бўлган беморларда реабилитация икки муҳим аспектлар – жисмоний меҳнат лаёқатини тиклаш ҳамда соғлом шахс руҳияти ва уни ижтимоий фаолиятга қайтариш орқали амалга оширилиши лозимлигини кўрсатган. Шунга кўра, миокард инфаркти бўлган беморларни кардиореабилитация қилиш учун самарали психодиагностика усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш масалалари бўйича тизимли ишларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Дунё миқёсида бу соҳада охириги ўн йилликда бир қанча илмий ишлар амалга оширилиб, уларда миокард инфарктида учрайдиган депрессия ёки ҳавотирли бузилишларнинг психореабилитацияси сифатида медикаментоз ва номедикаментоз давонинг биргаликда қўлланилиш самараси таҳлил қилинмоқда. Тадқиқотларда айнан номедикаментоз терапия усуллари сифатида гимнастика, физиотерапевтик муолажалар, йога машғулоти, аутоген машқлар, нур билан даволаш каби усуллар кенг қўлланилиб келинмоқда. Қўлланилаётган усуллар орасида когнитив-бихевиорал психотерапия усули алоҳида ўрин тутиб, ушбу касалликда психологик ёрдам тизимини янада такомиллаштириш масалаларига ечим топиш борасида айнан шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни янада юқори даражаларга олиб чиқиш, меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларда психоэмоционал бузилишларни камайтириш мақсадида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу белгиланган вазифаларни бажаришда, жумладан, аҳоли орасида турли даражадаги психоэмоционал бузилишларни психотерапевтик ва психофармакотерапевтик даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий

¹ ENRICH Investigators. Depression and heart failure in patients with a new myocardial infarction / L. H. Powell [et al.] // Am. Heart. J. 2005.- Vol. 149.- P.851–855.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги» ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018- йил, № 06, 2.

хизмат кўрсатишда замонавий ташхислаш, даволаш усулларини қўллашни такомиллаштириш йўналишларида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миокард инфарктида учрайдиган психо-эмоционал бузилишларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва психотерапиянинг самарасини яхшилаш каби муаммолар Ўзбекистон ва хориж давлатлари тадқиқот ишларининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири бўлган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда республикамизнинг етакчи мутахассислари А.Л. Аляви, Д.К. Туляганова, А.Д. Нуриддинов, А.Г. Никишин, Р.З. Мирза, Ф.Б. Абдумаликова томонидан ўтказилган тадқиқотларда миокард инфарктининг клиник кўриниши, диагностикаси, даволаш усулларининг самарадорлиги кенг ўрганилган бўлиб, унда миокард инфарктида учрайдиган психо-эмоционал бузилишларни даволаш психореабилитация йўналишларида олиб борилган. Бироқ, ушбу текширувларда психотерапия усулларидан бири бўлган когнитив-бихевиорал терапия усули қўлланилмаган ва ушбу психоэмоционал бузилишларнинг структураси деярли ўрганилмаган.

Россиялик тадқиқотчилар Д.М. Аронов, О.Л. Барбараш, С.А. Болдуева, Н.Т. Ватутин, О.А. Ефремова, Е.Н. Корсунова, А.Н. Репин, М.Я. Руда, А.Н. Сумин, А.Л. Сыркин, И.И. Чукаева, В.Л. Янковскаялар томонидан ижтимоий-психологик хавф омиллари ва уларнинг соматик омиллар билан боғлиқлиги, юрак-қон томир патологиясининг ривожланиш механизмларига тизимли тиббий-психологик ёндашиш, стационар даволаш даврида пайдо бўладиган психологик касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Сўнгги йилларда узоқ хорижий мутахассислардан Agewall S., Beck A.T., Bekelman D.B., Green L.A., Dimsdale J.E., Duoki S., Eaker E.D., Faller H., Freedland K.E., Galluzi S., Gellis Z.D., Lossnitzer N., Mancina G., Martens E.J., Martin B.J., Maurer-Spurei E., Roose S.P., Silver M.A., Tousoulis D., Wittstein I.S.лар томонидан миокард инфарктдан кейин беморларнинг 15-25% ида

катта депрессия ҳолатлари ва 27% ида кичик депрессия аломатлари аниқланган. Ўткир коронар синдромдан сўнг бир йил ўтгач, жароҳатдан кейинги стресс белгилари 12% беморларда аниқланган бўлиб, кардиореабилитация, психореабилитация, психопрофилактика ва психогигиена йўналишлари чуқур тадқиқ этилган.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, кўп сонли тадқиқотларнинг амалга оширилганлигига қарамай, тиббий психологларнинг олдига қўйилган масалалардан бири миокард инфарктига чалинган беморларда психо-эмоционал бузилишларни эрта аниқлаш, ушбу бузилишларнинг структурасини ўрганиш ва тиббий-психологик ёрдам тамоийилларини такомиллаштириш ишларини кенг кўламли тарзда ўрганишни ҳамда тадқиқотларни мақсадли ўтказишни тақозо этади. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №01.110.0158 «Неврология ва тиббий психологиядаги бузилишларнинг клиник-ижтимоий тадқиқотлари» (2015-2019 йй.), №01.15.00156 «Бош миянинг ўткир ва сурункали касалликларининг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиокимёвий, нейровизуал хусусиятларини ўрганиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миокард инфарктини тиббий психологик аспектлари, психотерапевтик ва фармакотерапевтик коррекцияни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миокард инфаркти билан хасталанган беморларда психоэмоционал бузилишларнинг хусусиятларини жинсига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

А. Бекнинг фикрлаш бузилишлари техникасидан фойдаланган ҳолда миокард инфаркти билан хасталанган беморларда антиципат фикрларни жинсига кўра аниқлаш;

мослаштирилган когнитив-бихевиорал терапиянинг миокард инфаркти бўлган беморларда аниқланган психоэмоционал бузилишлар ва ҳаёт сифатини психологик компонентига бўлган таъсирини баҳолаш;

миокард инфаркти ўтказган беморларга мослаштирилган когнитив-бихевиорал терапияни жорий этиш орқали, тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг кардиология ва кардио-реанимация бўлимларида стационар даволанган миокард инфарктига чалинган 35 ёшдан 57 ёшгача бўлган 126 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг ижтимоий, анамнестик, клиник ва психологик хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда психологик статусни баҳолаш учун тиббий психологик анкета (Ибодуллаев З.Р. бўйича патент №001031), эмоционал сферани баҳолаш мақсадида HADS шкаласи (ҳавотир ва депрессияни аниқловчи госпитал шкала), психотерапевтик коррекция усули сифатида когнитив-бихевиорал терапия, математик статистика усуллари (фоизли таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони, Р.Фишернинг F-мезони, Манн-Уитнинг U-мезони, К. Пирсоннинг r-корреляция коэффицентини ҳисоблаш усуллари)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор миокард инфаркти билан оғриган беморнинг психоэмоционал ҳолатида ноадаптив фикрлар юзага келиши туфайли касалликни енгиш, унда ижобий натижаларга ишонч хиссини сусайиши ҳисобига касаллик клиник кечувининг ўзгариши ва даво натижадорлигининг пасайиши кузатилиши ҳамда ушбу бузилишларни коррекция қилиш зарурлиги исботланган;

илк бор миокард инфаркти билан оғриган беморда психоэмоционал бузилишлар структурасидаги ноадаптив фикрлаш турли кўринишда намоён бўлиши ва унинг турлари бемор жинсига боғлиқ эканлиги туфайли аёлларда катастрафизация, хиссий доминантлик, эркакларда эса шартли мантикий фикрлар кўринишида кузатилиши аниқланган;

касалликнинг ўткир даврида пайдо бўлиб, кейинги даврларда авжланган, яққол намоён бўладиган рухий бузилишларда когнитив-бихевиорал терапияси ушбу бузилишларни эрта бартараф этиши сабабли беморнинг хиссий ва ижтимоий фаолияти яхшиланиши ҳамда ҳулқ-атворининг мослаштирилган меъёрига олиб келиниши аниқланган;

миокард инфаркти билан оғриган бемор даво-профилактика доирасида когнитив психотерапия, рационал-эмотив психотерапия ҳамда антидепрессант ва транквилизатор препаратларни комплекс қўллаш касалликнинг психопатогенетик компонентини самарали коррекция қилиши туфайли беморда иккиламчи касалликлар келиб чиқиши ва асосий касалликдан ўлим даражасини камайтириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миокард инфаркти ўтказган беморларни жинсига кўра психоэмоционал бузилишлар структурасидаги ноадаптив фикрлаш турларини аниқлаш тамойиллари тўлиқ равишда ёритилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

миокард инфаркти ўтказган беморларда психоэмоционал бузилишлар ва ноадаптив фикрлашларни даволашга мослаштирилган когнитив – бихевиорал психотерапия тамойиллари такомиллаштирилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

беморнинг асосий касаллигига нисбатан хиссий жавоб реакциясини адаптация қилиш ва стрессга қарши иммунитетини шакллантириш асосида тиббий-психологик бошқариш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик, психотерапевтик ва статистик усуллар билан тасдиқланганлиги, етарли даражадаги беморлар сони, касалликнинг ўзига хос

кечишини баҳолашда тегишли қонуниятлар асосида турли усулларни қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббий психологияда миокард инфарктини ўтказган беморларда психоэмоционал бузилишлар структурасидаги ноадаптив фикрлашларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ва психотерапия тамойилларини такомиллаштириш, беморларнинг психоэмоционал сферасини ўрганишга доир клиник анамнестик, психологик, функционал ва психометрик ҳолатларини аниқлаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миокард инфаркти билан оғриган беморларда психоэмоционал бузилишлар ва ноадаптив фикрлашлар турларини тиббий-психологик жиҳатдан эрта психодиагностика қилиш, невролог, психиатр ва тиббий психологлар учун когнитив-бихевиорал психотерапия асосида тиббий-психологик ҳамда самарали психокорреция ва психореабилитация қилиш алгоритми ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокард инфарктини тиббий психологик аспекти, психотерапевтик ва фармакотерапевтик коррекцияни оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

миокард инфаркти бўлган беморларда психоэмоционал бузилишларни даволаш мақсадида қўлланилган психотерапия усули клиник кечувининг ўзгаришларини аниқлашдан олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Когнитив-бихевиорал психотерапия ёрдамида миокард инфаркти бўлган беморларда психоэмоционал бузилишларни даволаш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/229-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг психоэмоционал ҳолатида касалликни енгиш, уларда ижобий натижаларга ишонч хиссини уйғотиш ва даво натижадорлигини ошириш имконини берган;

миокард инфаркти билан оғриган беморларда психоэмоционал бузилишлар структурасидаги ноадаптив фикрлашлар кўринишини реабилитация қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Миокард инфаркти бўлган беморларни реабилитация қилиш учун мослаштирилган когнитив-бихевиорал психотерапиянинг ўрни” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/229-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома миокард инфаркти билан оғриган беморларда психоэмоционал бузилишлар структурасида турли кўринишда намоён бўлувчи ноадаптив фикрлашларни психотерапевтик ва фармакотерапевтик усуллар ёрдамида даволаш самардорлигини ошириш имконини берган;

миокард инфаркти билан оғриган беморларда касалликнинг ўткир даврида намоён бўладиган руҳий бузилишларни когнитив психотерапия, рациональ-эмотив психотерапия, нейролингвистик дастурлаш ҳамда антидепрессант ва транквилизатор препаратларни комплекс қўллаш орқали даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига,

жумладан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Республика кардиология илмий-тадқиқот маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Самарқанд филиали амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-д/11-сон маълумотномаси). Натижада касалликнинг психопатогенетик компонентини самарали коррекция қилиш орқали беморларда иккиламчи касалликлар келиб чиқиши ва асосий касалликдан ўлим даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, тузилган мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий тадқиқотлар натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, нашр этилган ишларга ва диссертация тузилишига кўра, тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлашда амалга ошириш тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Миокард инфаркти билан хасталанган беморларни тиббий-психологик жиҳатлари ва тиббий-психологик реабилитация қилишнинг замонавий масалалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи боби диссертация мавзуси бўйича минтақавий ва халқаро илмий тадқиқотлар масалаларини акс эттиради. Адабиётлар шарҳи 5 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, улар терминология, статистик маълумотлар, тарқалиш, хавф омиллари, миокард инфарктининг хавотир-депрессив бузилишлар билан патофизиологик алоқаси, миокард инфаркти билан оғриган беморларда психологик бузилишларни аниқлаш муаммолари, даволаш усулларига оид илмий маълумотларга бағишланган. Юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда психо-эмоционал бузилишлар, шунингдек беморларни тиббий-психологик реабилитация қилиш соҳасидаги муаммолар ҳал қилинмаганлиги ёки тушунтиришга муҳтож эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи боби асосий материаллар ва тадқиқот

усулларини ўз ичига олиб, унда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг кардиология ва кардио-реанимация бўлимларида миокард инфаркти (хуруждан 5-6 кун ўтгач) ташхиси қўйилган стационар даволанаётган беморлар олинган. Беморларнинг ўртача ёши 35-57 га тенг бўлиб 126 нафар беморлар тадқиқотга киритилди.

Илмий ишимизнинг биринчи ва иккинчи вазифасини амалга ошириш учун дастлаб беморлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилди: биринчи гуруҳ – 74 нафар эркак беморлардан иборат бўлди; иккинчи гуруҳни – 52 нафар аёл беморлар ташкил этди.

Тадқиқотимизнинг учинчи ва тўртинчи вазифаларини амалга ошириш учун беморлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўрганилди: асосий гуруҳ - базис даво ва психо-фармакотерапия билан биргаликда когнитив-бихевиорал терапиядан қўлланилган 42 нафар бемордан иборат; биринчи таққослама гуруҳ - 42 нафар бемордан иборат бўлиб, уларга базис даво ва психофармакотерапия билан биргаликда рационал психоанализ қўлланилган; иккинчи таққослама гуруҳни эса - психофармакотерапия олган 42 беморлар ташкил этди. Миокард инфаркти кардиолог томонидан ташхисланган бўлиб, психофармакотерапия невролог томонидан олиб борилган. Невротик депрессия ташхиси эса тиббий-психологик анкета (З.Р. Ибодуллаев 2008, №001031), шуниндек, хавотир ва депрессияни аниқловчи госпитал шкала (HADS) ёрдамида (Zigmond A.C., Snaith R.P. The Hospital Anxiety and Depression scale. // Acta Psychiatr. Scand. 1983 - Vol.67 - P.361-370.) ташхисланди. Ҳаёт сифатини баҳолаш қисқа SF-36 сўровномаси ёрдамида амалга оширилди. Рус тилига таржима қилиш ва техникани синовдан ўтказиш Клиник ва фармакологик тадқиқотлар институти (Санкт-Петербург) томонидан амалга оширилди. Тадқиқот мобайнида барча беморлар динамикада кузатилди.

Тадқиқотда фойдаланилган психотерапия усули когнитив-бихевиорал терапия (КБТ) усулидир. Психотерапия курси индивидуал равишда танланган. Психоэмоционал бузилишлар учун фармакологик терапия сифатида серотонинни қайта қабул қилинишини танлаб ингибирловчи (СҚҚҚТИ) гуруҳ антидепрессантлари (АД), шунингдек вегетатив стабиллашадиган таъсирга эга транквилизаторлар ишлатилган. Препаратни буюриш курси индивидуал равишда танланган.

Олинган маълумотлар Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакети ёрдамида, статистик ишлов бериш бўйича қурилма функцияларини қўллаган ҳолда статистик қайта ишланди. Нисбий катталиклар, ўртача арифметик кўрсаткичлар, миқдор ва сифат белгилари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун Пирсон (С) алоқадорлик коэффицентини ҳисоблаган ҳолда вариацион статистика усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг **“Миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг клиник ва психологик ҳолатининг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида миокард инфаркти (МИ) билан касалланган беморларнинг клиник ва психологик ҳолатини қиёсий баҳолаш амалга оширилган. Тиббий-психологик

анкета ёрдамида кўйидаги субъектив шикоятлар қайд этилди: 10-15 дақиқа давом этувчи кўкрак қафасидаги оғриқлар; бош оғриғи, бош айланиши; қон босими ошиб кетиши; бўғилиш хисси билан кечувчи нафас қисилиши, асосан кечаси горизонтал ҳолатда пайдо бўлади; юрак ритми бузилиши.

Биз тадқиқот ишимизда психоэмоционал ҳолатга оид субъектив шикоятларни баҳолашда жинсга оид бир қатор ўзгаришларни аниқладик. Тиббий-психологик анкета ёрдамида МИ билан оғриган эркак беморларда ҳиссий бефарқлик (75%), ҳаракатлар учун демотивация (83,3%), атрофдагиларга бўлган қизиқишни йўқолиши (90%) ва ангедония (80%) каби субъектив шикоятлар кузатилди. Уйқунинг бузилиши (66,6%) ва асабийлашиш каби шикоятлар кўпроқ аёл беморларда кузатилган бўлса, хавотир ва кўрқув хисси эркаклар ва аёлларда тенг равишда қайд этилди(1,2: 1,3).

Миокард инфаркти бўлган беморларда психо-эмоционал бузилишлар 70% ҳолларда кузатилиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда психологик ҳолатни баҳолаш амалга оширилди. Бунинг учун биз невротик касалликларнинг ривожланишида бирон бир қонуният мавжудлигини аниқлаш учун психометрик тестдан фойдаландик. (1-жадвал)

1-жадвал

Иккала гуруҳдаги HADS кўрсаткичларининг таққослама таҳлили

№.	Кўрсаткичлар:	Гуруҳ №1 (n = 74)	Гуруҳ №2 (n=52)	ρ*
1.	Клиник ифодаланган хавотир ва депрессия	43 (58%)	13 (25%)	≤ 0,05
2.	Субклиник ифодаланган хавотир ва депрессия	14 (18,7%)	10 (19%)	≤ 0,05
3.	Клиник ифодаланган хавотир	6 (8,3%)	23 (45%)	≤ 0,05
4.	Клиник хавотир субдепрессия билан	11 (14,5%)	6 (11%)	≤ 0,05

*ρ – хато кўрсаткичи

Психоэмоционал бузилишларнинг жинсга кўра таққослашда кўйидаги натижалар олинди: эркак жинсида депрессия билан биргаликда клиник жиҳатдан ифодаланган хавотир (58%), аёлларда эса депрессиясиз клиник ифодаланган хавотир (45%) билан намоён бўлиши кузатилди. Жадвал натижаларидан кўришиб турибдики, жинсий мансублиги психо-эмоционал бузилишлар келиб чиқиш мойиллигига статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларга эга эмас ва шунинг учун биз HADS сўровномасига биноан хавотир ва депрессия тузилишини таҳлил қилиш вазифасини қўйдик. (1-расм).



1 – расм. Иккала гуруҳдаги HADS бўйича депрессия тузилишини қиёсий таҳлил қилиш

Депрессия тузилишини таҳлил қилганда, ушбу диаграммага кўра, эркакларнинг аксарият қисмида ўз ишларидан кам қониқиш ва ички таранглик аломатлари борлигини кузатиш мумкин. Аёлларда безовталиқ ва ички таранглиқ каби аломатлар биринчи ўринга чиқади. Ваҳима ҳужумлари бир хил даражада юқори (1,3: 1,4). Ҳаракатлардаги сустлик ва ўз шахсиятига бефарқлик ҳам тенг даражада қайд этилди (1,2: 1).

Беморларнинг хавотир бузилишларини тўлиқ баҳолаш учун HADS бўйича хавотирнинг тузилишини ҳам кўриб чиқдик. (2-расм)



2-расм. Иккала гуруҳдаги HADS бўйича хавотир структурасини қиёсий таҳлил қилиш

Диаграмма шуни кўрсатадики, хавотирли фикрларнинг мавжудлиги (92%), кўрқув хисси (88%) эркак жинсига хосроқ, қувонч хисси йўқлиги, кўп маротабали ички таранглиқ аёлларда акс этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, гендер фарқ психологик бузилишларнинг ривожланишида статистик аҳамиятга эга эмас, аммо жинс психологик бузилишларнинг тузилишига таъсир қилади.

"Миокард инфарктида тиббий-психологик ёрдам самарадорлигини баҳолаш" диссертациянинг тўртинчи бобида КБТнинг ҳаёт сифатининг

психологик компонентига ва психо-эмоционал бузилишларни даволашга таъсир қилиш динамикасини ўрганиш ва кузатиш маълумотлари ва уларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

МИ билан касалланган беморларни дастлабки тиббий-психологик текширишда гуруҳлардаги кўрсаткичлар ўхшаш эди. Намуналарнинг ўхшашлигини статистик равишда исботлаш учун ноль гипотеза ҳар бир шкала учун Стьюdent т-тести билан синовдан ўтказилди. Ноль гипотеза "Текшириш пайтида таққосланган гуруҳларнинг намуналарини таққослаганда ўртача қийматлар фарқи (1-намуна учун μ_1 ва 2-намуна учун μ_2) нольга тенг", муқобил гипотеза эканлигини аксини айтади:

$$\begin{cases} H_0: \mu_1 - \mu_2 = 0 \\ H_1: \mu_1 - \mu_2 \neq 0 \end{cases}$$

Гипотезани синов кўриш ва Стьюdent тестининг турини танлаш учун Ф-тест ёрдамида намуналар дисперсияларини таққослаш керак. Агар Ф-тестда ўхшаш фарқлар мавжуд бўлса, биз шунга ўхшаш дисперсияларга эга бўлган намуналар учун Стьюdent т-тестидан фойдаландик.

Дастлабки текширувда гуруҳлар томонидан қиёсий баҳолаш учун биз HADS хавотир шкаласи бўйича ўртача балларни уч гуруҳга қандай тақсимланишини кузатдик. (2-жадвал)

2-жадвал

HADS XIII си бўйича дастлабки текширув натижаларига кўра беморларнинг ўртача баллари

	Минимал ёши.	Ўртача ёши.	Максимал ёши.	1	2	3	4	5	6	7	ЯЙ*
Асосий гуруҳ (n=42)	38	51	60	2,33	2,38	2,19	2,29	1,38	2,31	1,81	14,69
24 эркак	35	47	58	1,92	2,58	1,83	2,25	1,46	1,96	1,29	13,29
18 аёл	49	53	60	2,89	2,11	2,67	2,33	1,28	2,78	2,50	16,56
Биринчи таққослам а гуруҳ (n=42)	35	48	56	2,36	2,33	2,14	2,26	1,38	2,26	1,81	14,55
24 эркак	35	47	56	2,00	2,54	1,79	2,25	1,50	1,92	1,33	13,33
18 аёл	40	49	55	2,83	2,06	2,61	2,28	1,22	2,72	2,44	16,17
Иккинчи таққослам а гуруҳ (n=42)	38	48	54	2,31	2,29	2,21	2,29	1,50	2,33	1,88	14,81
24 эркак	38	48	54	1,92	2,46	1,96	2,21	1,63	2,04	1,38	13,58
18 аёл	40	48	54	2,83	2,06	2,56	2,39	1,33	2,72	2,56	16,44
Назорат гуруҳи	35	51	55	0,29	0,37	0,34	0,31	0,26	0,29	0,43	2,29
26 эркак	35	51	55	0,31	0,46	0,31	0,35	0,27	0,23	0,46	2,38
9 аёл	46	53	55	0,22	0,11	0,44	0,22	0,22	0,44	0,33	2,00

*Якуний йиғиндиси

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, хавотир шкаласи бўйича дастлабки кузатув пайтида субъектлар ҳар ўрганилган гуруҳда ўртача 5 ва 7 саволлар бўйича 1 баллга, шунингдек 2 баллга яқинроқ бўлганлиги учун характерланганлигини кузатамиз. Назорат гуруҳи билан таққослаганда меъёрдан четга чиқиш тахминан 6,5 мартага тенглиги кўрилди.

Шунингдек биз HADS нинг депрессия шкаласи бўйича ҳам шунга ўхшаш таҳлил ўтказдик (3-жадвал).

3-жадвал

HADS ДШ си бўйича бирламчи текширув натижаларига кўра беморларнинг ўртача баллари


	Минимал ёши.	Ўртача ёши.	Максимал ёши.	1	2	3	4	5	6	7	ШД*
Асосий гуруҳ (n=42)	38	51	60	2,07	0,74	1,62	1,81	2,17	2,07	1,88	12,36
24 эркак	35	47	58	2,29	0,79	2,13	1,79	1,96	2,50	2,29	13,75
18 аёл	49	53	60	1,78	0,67	0,94	1,83	2,44	1,50	1,33	10,50
Биринчи таққослама гуруҳ (n=42)	35	48	56	2,07	0,79	1,64	1,76	2,17	2,07	1,90	12,40
24 эркак	35	47	56	2,25	0,83	2,08	1,79	1,92	2,54	2,29	13,71
18 аёл	40	49	55	1,83	0,72	1,06	1,72	2,50	1,44	1,39	10,67
Иккинчи таққослама гуруҳ (n=42)	38	48	54	2,05	0,74	1,67	1,79	2,21	2,05	1,83	12,33
24 эркак	38	48	54	2,21	0,83	2,17	1,75	2,00	2,46	2,25	13,67
18 аёл	40	48	54	1,83	0,61	1,00	1,83	2,50	1,50	1,28	10,56
Назорат гуруҳи	35	51	55	0,17	0,23	0,17	0,20	0,14	0,29	0,26	1,46
26 эркак	35	51	55	0,15	0,27	0,15	0,15	0,12	0,31	0,27	1,42
9 аёл	46	53	55	0,22	0,11	0,22	0,33	0,22	0,22	0,22	1,56

*Якуний йиғиндиси

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, дастлабки кузатувда депрессия шкаласи бўйича респондентларнинг ҳар тадқиқот гуруҳда ўртача 2, 3, 4 ва 7-саволлар бўйича 1 баллга, шунингдек, 2 баллга яқин бўлганлиги кузатилганлигини кўраамиз. Назорат гуруҳи билан таққослаганда, меъёрдан четга чиқиш тахминан 5,7 марта.

HADS хавотир шкаласи (XIII) бўйича намуналарни таққослаш

Кейинги графикда (3-расм) КБТ қўлланилган асосий гуруҳда ПЭБ бўйича балларнинг пасайиш динамикаси кузатилган, аммо биринчи таққослама гуруҳда РП қўлланилган беморларда ушбу кўрсаткич суст динамикани билдирди, шунингдек иккинчи таққослама гуруҳда сезиларли бўлмаган динамикаси кузатдик.




3-расм. Тадқиқот гуруҳларда HADS хавотир шкаласи бўйича ўртача балларнинг ўзгариш динамикаси

Кўйидаги натижаларга кўра, асосий гуруҳда (КБТ) 1,5 ойдан сўнг бирламчи баҳолашдан кейинги кўриқдаги баҳолашга ўтиш пайтида хавотир қийматларида 2,1 баравар регрессия содир бўлган деган хулосага келиш мумкин. 1,5 ойдан сўнг баҳолашдан 3 ойдан кейинги баҳолашга ўтиш пайтида 1,3 марта, бу амалий когнитив-бихевиорал терапиясининг сезиларли ижобий таъсирини кўрсатади.

HADS депрессия шкаласи (ДШ) бўйича намуналарни таққослаш

Кейинги графикда (4-расм) асосий гуруҳда ДШ бўйича балларнинг пасайиш динамикаси, иккала таққослама гуруҳларига нисбатан, кузатилди. Ушбу баёнотни статистик гипотеза орқали текширдик.



4-расм. Тадқиқот гуруҳларда HADS ДШ учун ўртача балларнинг ўзгариш динамикаси


Асосий гуруҳда ДШ ни дастлабки баҳолаш учун ўртача қиймат 12,36 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг Сўртача 6,26 баллгача пасайди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 4,74 баллни ташкил этди.

Шунингдек, биз КБТ ёрдамида гуруҳда HADS депрессияси шкаласи бўйича гуруҳдаги беморларнинг умумий сонига нисбатан нормал оралиғида бўлган беморлар фоизининг ишонарли даражада ўзгариши динамикаси

кузатилганлигини қайд этдик (4-расм). Ушбу графикада даволанишнинг учинчи ойида айнан шу гуруҳда тушкунлик бутунлай йўқ қилинганлигини кўришингиз мумкин. Шу билан бирга, иккала таққослама гуруҳларда субклиник шаклда қолдиқ депрессиянинг маълум бир қисми ҳали ҳам кузатилган.

SF-36 сўровномасининг ҳаёт қобилияти кўрсаткичи (VT) бўйича гуруҳларни динамикада таққослаш.

Қуйидаги графикда (5-расм) КБТ дан фойдаланган ҳолда гуруҳдаги VT балларининг яхшиланиш динамикаси, шунингдек, РП дан фойдаланган ҳолда гуруҳдаги яхши динамикаси, ва ПФТ гуруҳидаги унчалик аниқ бўлмаган динамикаси аниқ кўрсатилган.




5-расм. Тадқиқот гуруҳларида VT шкаласи (SF-36) бўйича ўртача нуқталарнинг ўзгариши динамикаси

Биринчи гуруҳда VT учун дастлабки баҳолашда ўртача қиймат 49,6 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг баҳоланганда ўртача 63,7 баллгача яхшиланди, қолган иккала гуруҳга нисбатан, ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 77,9 баллни ташкил этди.

SF-36 сўровномасининг ижтимоий фаоллик (SF) кўрсаткичи бўйича гуруҳларни динамикада таққослаш.

Қуйидаги расмда (6-расм), КБТ техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳдаги SF балларининг яхшиланиши динамикаси аниқ кўрсатилганлиги намоён бўлган.




6-расм. Тадқиқот гуруҳларида SF шкаласи (SF-36) бўйича ўртача балларнинг ўзгариш динамикаси

Ушбу SF компонентининг таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда дастлабки баҳолашда SF учун ўртача қиймат 56,3 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 70,8 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 77,7 баллни ташкил этди. Дастлабки баҳолашда ўртача SF қиймати 56,5 балл бўлган биринчи таққослама гуруҳ билан тенглаштирганда, бир ярим ойдан кейин ўртача 62,2 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 64,6 баллни ташкил этди.

SF-36 сўровномасининг ҳаёт фаолиятини чегаралашда эмоционал муаммоларнинг роли (RE) кўрсаткичлари бўйича гуруҳларни динамикада таққослаш

Қуйида келтирилган расмда (7-расм), КБТ қўлланилган гуруҳдаги RE балларининг яхшиланиш динамикаси, шунингдек, РП қўлланилган гуруҳдаги ўртача динамика кўрсаткичлари ва ПФТ қўлланилган гуруҳда эса ижобий динамика камроқ эканлиги кўриниб турибди.




7-расм. Тадқиқот гуруҳларида RE шкаласи (SF-36) бўйича ўртача балларнинг ўзгариши динамикаси

Асосий гуруҳда дастлабки баҳолашда ўртача RE қиймати 39,7 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 75,4 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 87,3 баллни ташкил этди. Биринчи таққослама гуруҳда бошланғич баҳолашда ўртача RE қиймати 40,5 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 71,4 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 83,3 баллни ташкил этди. Шу билан бирга, иккинчи таққослама гуруҳда дастлабки баҳолашда REнинг ўртача қиймати 36,5 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 51,6 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 65,1 балл.

SF-36 сўровномаси бўйича гуруҳларни руҳий саломатлик (MH) кўрсаткичларини динамикада таққослаш

Қуйидаги расмда (8-расм) КБТ нинг МНга ижобий таъсири, таққослама гуруҳларга нисбатан аниқ кўрсатилган



8-расм. Тадқиқот гуруҳларида МН шкаласи (SF-36) бўйича ўртача балларнинг ўзгариши динамикаси

КБТ бўлган гуруҳда МН ўртача баҳоси дастлабки баҳолашда 49,5 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 75,4 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 88,2 баллни ташкил этди. РП бўлган гуруҳда бошланғич баҳолашда ўртача МН қиймати 50,0 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 58,0 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 61,1 баллни ташкил этди. ПФТ бўлган гуруҳда ўртача МН қиймати дастлабки баҳолашда 49,1 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 56,0 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач ўртача 60,5 баллни ташкил этди.

Натижада КБТ МН гаа бўлган таъсири таққослама гуруҳларга нисбатан ишонарли даражада юқори эканлигини исботладик.

SF-36 сўровномасига кўра саломатликнинг психологик компоненти (МНsum) бўйича таққослаш

КБТ қўлланилган гуруҳда МНsum ўртача қиймати дастлабки баҳолашда 38,7 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 51,0 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач ўртача 57,0 баллни ташкил этди. РП қўлланилган гуруҳ билан таққослаганда, дастлабки баҳолашда ўртача МНsum қиймати 39,0 баллни ташкил этди, бир ярим ойдан сўнг ўртача 44,4 баллгача яхшиланди ва дастлабки баҳолашдан уч ой ўтгач, ўртача 46,9 балл.

Бинобарин, иш натижаларига кўра, фикрлашнинг ва жинсий фарқни психо-эмоционал фон психокоррекцияни кўриб чиқишда муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, Миокард инфаркти ўтказган беморлардаги психоэмоционал бузилишларни коррекция қилишда базис даво ва психофармакотерапия билан биргаликда когнитив-бихевиорал терапиясини қўллаш самарали танланган психотерапевтик усул ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу психотерапия қўлланилганлиги сабабли беморларнинг объектив ва субъектив ҳолати узок вақт давомида барқарор бўлиб келган.

Ишлаб чиқилган Тиббий-психологик ёрдам алгоритми (9-расм) мутахассислар (психологлар, психотерапевтлар, кардиологлар, терапевтлар, умумий (оилавий) амалиёт врачлари) нинг хавф гуруҳлари ва юрак-қон томир патологияси билан касалланган беморларга нисбатан

профилактикатадбирларини ўтказишда ўзаро таъсирини оптималлаштиради.



9-расм. Тиббий-психологик алгоритм

4-бобнинг охирида иқтисодий самарадорликни баҳолаш берилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 31 июлдаги 254-сонли буйруғига 2-иловага мувофиқ амалга оширилади "Иқтисодий самарани ҳисоблаш. даволаш нархини пасайтиришдан. "

$$\text{Э вр} = [((513,000 + 200,000) - 0) + (10 - 10) + (0 + 0) \times 0,6] \times 42 - 0,15 \times K = 29,946,000 - 0,15 \times 3,780,000 = 29\,379\,000 \text{ сўм.}$$

Натижада мослаштирилган когнитив-бихевиорал терапиясидан фойдаланилганда 42 беморни даволаш харажатлари 29 379 000 сўмга камаяди.

ХУЛОСАЛАР

1. Миокард инфарктида психоэмоционал бузилишларнинг ривожланиши жинсга боғлиқ эмаслиги қайд қилинди, бироқ шу билан бирга психоэмоционал бузилишлар структураси ҳар хиллиги, хавотир компоненти аёлларда (ички зиддият ва хавотирли хаёллар), депрессив компонент (ўзига бўлган ва атрофдагиларга бўлган қизиқишининг сўниши) эса эркакларда кўп учраши аниқланди.

2. Миокард инфарктига чалинган беморларда жинсга кўра ноадаптив фикрлар ажратилди, шунда аёлларда катастрафизация ва хиссий доменантлик намоён бўлган бўса, эркакларда ментал доменантлик кўпро кузатилди.

3. Миокард инфаркти билан оғриган беморларга қўлланиладиган когнитив-бихевиорал терапияси психоэмоционал бузилишларни ишонарли даражада самарали даволаш усули деб ҳисобланди ва ноадаптив фикрларнинг ўзгаришига ёрдам беради деб топилди, бу эса ўз навбатида беморларнинг хулқ-атворининг мослаштирилган (конструктив) меъёрига олиб келади.

4. Когнитив-бихевиорал терапия психофармакотерапия билан комплекс давода динамик назоратда миокард инфарктига чалинган беморларнинг ҳаёт сифатининг психологик таркибий қисмини яхшилади, хусусан беморларнинг хиссий рол фаолияти (т-тест = 1.62; т критик = 1.99; муҳим), ижтимоий фаолияти (т-тест) = 0,56; т танқидий = 1,98; қиймат) сезиларли даражада яхшиланди.

5. Миокард инфаркти ўтқазган беморларга когнитив-бихевиорал терапия ва психофармакотерапия комплекси асосида такомиллаштирилган тибби-психологик ёрдам бериш алгоритми ишонарли тарзда асосий касалликнинг психопатогенетик компонентини самарали коррекция қилишга ва инфарктдан кейинги даврда психореабилитация ишларини яхшилашга олиб келади.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Миокард инфаркти билан хасталанган беморларда психоэмоционал бузилишларни даволаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги **амалий тавсиялар** шакллантирилди:

1. Миокард инфаркти билан хасталанган беморларнинг қайта юрак хуружи кузатилмаслиги учун, беморларнинг психоэмоционал ҳолатини яхшилаш учун жинсга кўра хавотир-депрессив бузилишларни структурасини тиббий-психологик анкета ва HADS усули орқали эрта аниқлаш амалга оширилса беморларни психодиагностик даволашда юқори самарага эришилади.

2. Олинган маълумотлар ёрдамида, миокард инфаркти бўлган беморларда психоэмоционал бузилишларни психодиагностикаси, ташхислаш, психотерапия ва кардиореабилитацияси каби мураккаб муаммоларини ечимини топишга ёрдам беради.

3. Миокард инфаркти бўлган беморларнинг психоэмоционал бузилишларни психотерапияси усули сифатида когнитив-бихевиорал терапия асос қилиб олинган алгоритмни психофармакотерапия билан биргаликда қўллаш даволашнинг самарадорлигини янада оширади.

4. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда миокард инфарктига дучор бўлган беморларни самарали даволаш учун ушбу тоифали беморларни олиб

бориш тиббий-психологик алгоритми ишлаб чиқилди ва амалётга тадбиқ қилинди. Ушбу алгоритм ёрдамида беморларнинг ҳолатини самарали яхшилашга эришилади.

Мазкур соҳадаги изланишларни келгусида психоэмоционал бузилишларнинг миокард инфаркти бўлган беморларда шаклланиши асосидаги гендер фарқларни инобатга олган ҳолда генетик тадқиқотлар билан алоқадорлиги, хавотирли-депрессив бузилишлар, организмдаги гормонлар ва моддалар алмашинувининг ўзгаришлари билан алоқадорлиги, хавотирли-депрессив бузилишларнинг асосий соматик касалликка таъсирининг ўзига хослиги, ушбу тоифали беморларда стрессга турғунлик даражасининг ўзига хослигини ўрганишга йўналтириш истиқболли деб ҳисоблаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ДЖАЛИЛОВА СОЖИДА ХАМРАЕВНА

**МЕДИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИНФАРКТА
МИОКАРДА, ОПТИМИЗАЦИЯ ПСИХОТЕРАПЕВТИЧЕСКОЙ И
ФАРМАКОТЕРАПЕВТИЧЕСКОЙ КОРРЕКЦИИ**

19.00.04 – Медицинская психология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии
Автореферат диссертации на трех языках узбекский, русский, английский. (резюме размещен на веб-странице Научного совета «www.medsport.uz» и Информационно-образовательном портале «Ziynet»)

Научный руководитель:	Ибодуллаев Зарифбой Ражабович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алимов Улугбек Худоярович доктор медицинских наук, профессор Камилова Умида Кабировна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «22» апреля 2022 года в 15.00 часов на заседании Научного совета DSc. 30.05.2018.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (адрес: 100027, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Алмазар 6 дом). Тел./факс: (71) 214-52-45. e-mail: uzolympicmed@gmail.com

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____) Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, у. Фароби, дом 2. Тел/факс (71) 150-78-25. e-mail: tta2005@mail.ru

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года
(реестр протокола № _____ « ____ » _____ 2022 года)

А.А.Садиков
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых Степеней доктор медицинских наук, профессор

А.Б. Солиев
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, м.н.с.

А.А. Хаджиметов
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире осуществляются ряд исследований, направленный на раннее выявление психоэмоциональных расстройств при сердечно-сосудистых заболеваниях, следовательно, по оценкам ВОЗ, «...в 2016 году от сердечно-сосудистых заболеваний умерло 17,9 миллиона человек, что составило 31% всех случаев смерти в мире. 85% этих смертей произошло в результате инфаркта миокарда...»¹. Во всем мире ведутся работы по профилактике и кардиореабилитации больных с ССЗ, а также осуществляются ряд научных работ по разработке и усовершенствованию стандартов ведения и наблюдения больных с инфарктом миокарда по двум важным направлениям, во-первых ранний возврат к трудоспособности и второе приведение к адаптированной социальной активности. По причине проблем кардиореабилитации в данной сфере растет актуальность задачи осуществления систематических научных работ.

По всему миру последние десять лет активно изучается влияние как медикаментозных, так и немедикаментозных средств при терапии депрессии и тревожных расстройств у больных с инфарктом миокарда. Ряд исследований широко изучали такие немедикаментозные методы лечения, как гимнастика, физиотерапевтические процедуры, занятия йогой, аутогенные тренировки, лечение лучом. При этом когнитивно-бихевиоральная терапия имеет особо значение при усовершенствовании психологической помощи, в связи с чем для решения данной проблемы требуется проведения ряда научных работ.

В республике с целью развития медицинской отрасли в стране, поднятия медицинской системы на более высокий уровень, снижения психоэмоциональных расстройств у пациентов трудоспособного возраста в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 г. №590 были отмечены следующие задачи по «...повышению эффективности, качества и популярности медицинской помощи; а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей оказания помощи и диспансеризации, поддержки здоровый образ жизни и профилактика болезней ...»². В результате появляются возможности для повышения уровня современных медицинских услуг в области психологического и психотерапевтического лечения различных уровней психоэмоциональных расстройств среди населения и для углубления научных исследований, для улучшения использования современных методов диагностики и лечения при оказании качественной медицинской помощи.

¹ ENRICHD Investigators. Depression and heart failure in patients with a new myocardial infarction / L. H. Powell [et al.] // Am. Heart. J. 2005.- Vol. 149.- P.851–855.

² Указ № - 5590 Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» // Собрание законодательных актов Республики Узбекистан, 2018, № 06, 2.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в поставленных в таких нормативных актах, как Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4985 от 16 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания экстренной медицинской помощи», № УП-5590 от 7 декабря 2018 г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи», а также других соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ряд отечественных и зарубежных авторов изучали проблему психологии у больных с инфарктом миокарда. В частности, такие ученые Узбекистана, как А.Л. Аляви, Д.К. Туляганова, А.Д. Нураддинов, А.Г. Никишин, Р.З. Мирзавлар, Ф.Б. Абдумаликова исследовали клиническую картину инфаркта миокарда с психоэмоциональными расстройствами, методы диагностики и фармакотерапии с физиотерапией. Однако упускали возможности психотерапии при лечении психоэмоциональных расстройств, влияние их на качество жизни больных с инфарктом миокарда.

